

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 5 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** iltiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



2. Samarov R., D. Rakhmanov Social work activity in providing the life of the society (functional-structural analysis) // Theoretical & Applied Science № 07 (39) 2016. – P 14-16.
3. Амирхўжаев Ш. Ижтимоий тизимда оила институтида ижтимоий-маданий жараёнлар трансформацияси. // Фалсафа ва ҳаёт. ISSN: 2181-9505. Doi Journal 10.26739/2181-9505. -Тошкент: 2020. № 1(Махсус сон) 26-б.

НАСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Абдуллаева Феруза Шариповна, катта ўқитувчи
“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси
Бухоро давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф XIII асрда яшаб ўтган Шарқнинг буюк файласуфи Насириддин Тусийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб, унинг фалсафий қарашларидаги ижтимоий-сиёсий масалалар ёритиб берилган. Жумладан, мутафаккирнинг Марога астрономия расадхонасидаги фаолияти, давлат бошқарувидаги солиқ тизими, саройда ҳукмдорлар ижтимоий страфикацияси масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: теорема, кашфиёт, расадхона, жамият, давлат, меморандум, астрономия, бюджет, ҳокимият, адолат, бошқарув.

SOCIO-POLITICAL VIEWS OF NASIRIDDIN TUSI

Abdullaeva Feruza Sharipovna, senior teacher
Department of "national idea, fundamentals of spirituality and law education"
Bukhara State University

Abstract: In the following article there is a discourse on the life and works of Nasiriddin Tusi, the great philosopher of the Orient who lived in the 13th century, his socio-political issues in his philosophical views are revealed. Included there, the activities of the scholar in the Maragha astronomical observatory, the tax system in the state administration, the issues of social stratification of rulers in the palace are analyzed.

Keywords: theorem, discovery, observatory, society, state, memorandum, astronomy, budget, power, justice, administration.

ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НАСИРИДДИНА ТУСИ

Абдуллаева Феруза Шариповна, старший преподаватель
Кафедра "Национальная идея, основы духовности и правового образования"
Бухарский государственный университет

Резюме. В данной статье раскрываются жизнь и творчество великого философа Востока Насириддина Туси, жившего в XIII-веке, освещены социально-политические проблемы в его философских взглядах. В том числе, проанализированы деятельность мыслителя в астрономической обсерватории Марагы, вопросы налоговой системы в государственном управлении, социальной стратификации правителей во дворце.

Ключевые слова: теорема, изобретение, обсерватория, общество, государство, меморандум, астрономия, бюджет, власть, справедливость, управление.



XIII асрда яшаб ижод этган буюк файласуф Н.Тусийнинг астрономия, математика, физика, мантиқ, фалсафа, ахлоқ ва бошқа фанлар соҳаларига бағишланган 100 дан ортиқ мукаммал илмий асарлари мавжуд бўлиб, улардаги астрономия ва математика соҳасидаги тадқиқот ва инновациялар алоҳида қимматга эга. Файласуф олим бу соҳада 20 дан ортиқ муваффақиятли тадқиқотларнинг муаллифи ҳисобланиб, математикага оид асарлари фақат араб тилида, астрономия ва бошқа соҳалардаги илмий ишлари эса ҳам араб ҳам форс тилларида ёзилган. Аллома 1248 йилда геометрияга бағишланган 14 қисмдан иборат “Таҳрири Эқлидис” (Эвклид) асарини ёзган. Ушбу асар геометрия соҳасида XIII асргача ёзилган барча асарларни ортда қолдирган асар сифатида фанда тан олинган. Мутафаккир ушбу китобда Пифагор теоремасининг 48 та талқинини исботлаб берган.

Бугунги кунда мутафаккирнинг математика соҳасидаги ютуқлари бутун дунё томонидан эътироф этилмоқда. Ушбу соҳа бўйича академик Зоҳид Халилов “Н.Тусийнинг узлуксиз катталиқлар назарияси ва сонлар назарияси ҳақидаги ғоялари математиканинг янада ривожланиши ва замонавий математик таҳлил қийматларининг ўзгариши, дифференциал ва интеграл ҳисоблашнинг кашф қилинишига катта таъсир кўрсатиб, шунингдек, муҳим кашфиётларнинг ривожланишида катта рол ўйнади” [1], деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, алломанинг универсал билимга эга бўлиши унинг олимлар ўртасида тез орада таниқли бўлишига сабаб бўлди. Н.Тусий 30 ёшда бўлганида Кўҳистонда исмоилийлар ҳукмдори Насириддин Муҳташам уни саройга таклиф қилади. 1235 йилда эса файласуф уни дунёга танилишига олиб келган асар “Ахлоқи Носирий”ни ёзиб тугатади. Аммо эрксевар муаллифнинг ушбу асаридан ҳукмдор ғаблланади ва уни қўлга олиб, тоғли қалъа Аламутга қамоқда сақланган. Файласуф бу ерда 20 йилдан ортиқ вақтга қадар сургун этилган шахс сингари жуда ёмон шароитда ўтирган. Аммо бундай тутқинлик кучли ирода эгаси ҳисобланган Тусийнинг илм-фан билан шуғулланишга бўлган қизиқишини сўндира олмайди.

Файласуфнинг бундай аҳволга тушиб қолишига манбаларда бир қанча сабаблар айтилса-да, уларнинг кўпчилиги ҳақиқатга яқин бўлмай асосланмаганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Тусийнинг ўзи бу ҳақда тўхталиб, исмоилийлар орасида юқори интеллектга эга бўлган устозни узоқ бўлсада излаб топишга бўлган уринишлари амалга ошмаганлигидан афсусда эканлигини эътироф этади [2].

1253 йилда Чингизхоннинг невараси Хулагу хон Яқин Шарққа ҳарбий юриш қилиб, Аламут қалъасини забт этади ва у ерда қамоқда сақланаётган Н.Тусий ва бошқа олимларни озод этади. Хулагу хон Бағдодни қўлга олгач, 1260 йилда Озарбайжонни ўзининг бепоён давлатининг марказига айлантиради. Беш юз йиллик аббосийлар ҳукмронлиги шу тариқа тугатилади. Янги давлат ҳукмдорлари “Элхон” титули асосида давлатни бошқаришлари сабабли давлат Элхонийлар давлати деб номланди. Ушбу давлатнинг пойтахти дастлаб Мароға шаҳри бўлган бўлса, кейинчалик қадимги ва маданий шаҳар сифатида Табриз шаҳри пойтахтга айлантирилди [3].

Файласуф олим жаҳон илмий ва маданиятининг ривожланишига қўшган ҳиссасидан бири унинг Мароғада қурдирган расадхонасидир. 1259 йилда Эроннинг



марказий шахридан бири Марофада (ҳозирги Жанубий Озарбайжонда жойлашган) астрономия расадхонасининг қурилиши билан боғлиқ айрим бир ривоятлар ҳам мавжуд.

Манбаларга кўра, Тусий мўғуллар ҳукмдори Хулағухондан расадхона биносини қуриш учун хазинадан маблағ ажратишни сўрайди. Аммо Хулағу хон биргина юлдузлар ҳақидаги илми ўрганиш учун расадхонага катта маблағ ажратиш унинг учун ҳеч қанадай аҳамиятга эга эмас деб жавоб беради. Шунда олим Хулағу хонга кечқурун аскарлар уйқуда бўлишган вақтида бир киши тоғ теппасига чиқиб, тепадан туриб мис лаганни ташлаб юборишини ва бу ҳақда ҳеч ким билмаслигини таклиф қилади. Мис лаган тоғдан думалаб тушганда унинг товуши кўшинни бирдан уйғотади ва уларнинг ичига ваҳима солади. Аллома хонга “биз бу шовқин қаердан пайдо бўлганини биламиз, аммо кўшин буни билишмайди. Расадхона эса бизга фазодаги ўзгаришлар ҳақида маълумот беради ва биз бу орқали ҳар бир ўзгаришлар ҳақида хабар топиб давлатимизда осойишталикни сақлаймиз”, деб ҳукмдорнинг ишончини донолик билан қўлга киритишга муваққат бўлади. Хулағухон унинг сўзлари ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилиб, расадхона қурилиши учун 20 минг динар ажратганлиги ҳақидаги қизиқарли маълумотлар мавжуд [4].

Айнан Н.Тусийнинг шижоати билан қурилган астрономик расадхона ҳақида машҳур олимлардан А.Берри шундай ёзади: “Насириддиннинг умумий назорати остида бу ерда кўплаб астрономлар ишладилар. Улар қўллаган воситалар, эҳтимол, Коперник давридаги воситалардан яхшироқ эди”. Бундан ташқари олимнинг илтимоси билан асир қилиб олинган олимлар қатл этилмасдан, уларни Марофага келтиришга эришилиши илм-фанни ривожлантириш учун муҳим қадам бўлган эди. Марофа расадхонасига турли миллатлардан юздан ортиқ олимлар фаолият олиб боришлари учун барча шароитлар яратилган эди.

Ўша давр ижтимоий ҳаётида Марофа расадхонаси Шарқнинг барча расадхоналаридан устун эди. Чунки бу илм академияси бўлиб, бу масканда астрономия, математика, фалсафа, дин, ижтимоий-сиёсий фанлар ўқитилиб, турли соҳадаги мутахассислар тайёрланар эди.

1256 йилдан 1271 йилга қадар 12 йил олиб борилган астрономик ишлар натижасида Н.Тусий “Элхон жадвали” (“Зиджи Илхани”) асарини яратди. Айниқса, Н.Тусийнинг номи кўп асрлар давомида табиий-гуманитар фанлар тарихида баён этилган илмий нуқтаи назардан асослаб берилган ғоялари бугунги кунгача ўз моҳияти ва қимматини йўқотгани йўқ. Алломанинг диққатга сазовор ишларидан яна бири унинг давлат бошқаруви билан боғлиқ фалсафий қарашларида ақл-идрокли, кучли ҳукумат ва адолатли қонунларни ишлаб чиқарадиган ҳамда бундай қонунларни қўллаб-қувватлайдиган шахар-давлатнинг идеал моделини яратганлиги бўлди.

Н.Тусий идеал давлат хусусида тўхталар экан, у унинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратади: “Давлатнинг умрибоқийлиги, унинг қанчалик адолат пойдеворида қурилганлигига боғлиқдир. Шу сабабли токи ҳукумат жамият аъзоларининг турли табақаларига нисбатан адолатли муносабатда бўлмас экан, давлатнинг иқтисодий фаровонлигини тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлайди” [5].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, адолат ҳақидаги ғоялар аллома фалсафий меросининг барча жабҳаларини қамраб олган. У инсонлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик бўлиши ғояларини илгари суриш билан бирга ҳар бир инсоннинг унга тегишли бўлган



ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тарафдори бўлган. Инсонларнинг розилиги билан ихтиёрий иттифоқлар тузиш ғояларини ҳимоя қилиб, шунинг асосидагина адолатли давлат вужудга келади, деб таъкидлайди. Мутафаккирнинг бу ғоялари перипатетик файласуфлардан Форобий ғояларига жуда яқин эканлигини аниқлашимиз мумкин.

Форобий “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола” асарларида ўзининг орзу қилган фозил жамиятини яна ҳам ёрқин тасвирлайди. “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, – деб ёзади у. Бу эса илм ва яхши ахлоқи ёрдамида қўлга киритилади”. Форобий давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари қайд этади [6].

Тусийнинг давлат бошқаруви фаровонлигидаги иқтисодий асосларга доир қарашлари ҳам диққатга сазовор. Шарқшунос олим В.Минорскийнинг таъкидлашича, Тусийнинг молия соҳасига қаратилган “Меморандуми” ўша давр солиқ тизимини ёритиб берган муҳим ҳужжат ҳисобланади. В.Минорский бу асарни қўлёзма нусхасини таржима қилган бўлиб, асл нусхаси эронлик олим М.Миновий томонидан ўрганилган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, яъни “Меморандум” сўзи файласуф асарларида “фасл” атамаси сифатида ишлатилади. Ушбу “Меморандум” асосан ўша вақт мўғуллар томонидан босиб олинган Эрон ҳудудлари (Вилояти Аджам)ни бошқариш учун молия тизимини таҳлил қилиш мақсадига қаратилган эди. Хўжа Насириддиннинг фикрига кўра, Хулагу хон сулоласи саройида ҳукмдорлар синфининг ижтимоий стратификация яъни табақалашуви қуйидаги кўринишда бўлишлиги кўрсатаркан, файласуф “Қалам тўртта тоифадаги инсонларнинг қўлида бўлишини таъкидлайди. Булар:

- а) дин пешволари ва руҳонийлар;
- б) фалсафа, астрономия ва тиббиёт соҳалари олимлари;
- с) энг муҳим мажбуриятлар бўйича вазифаларни таъминловчи вазир, суд тизими вакиллари (яргучи), қонун лойиҳаларини ёзадиган ва тарқатадиган, шунингдек ҳукмдорнинг дўстлари ва душманларига қаратилган мактубларни жўнатадиган ёзувчи;
- д) сарой бюджетига бўлаётган фойда ва ундан қилинаётган харажатларни ҳисоблайдиган инсонлар”. [7]

Олимнинг фикрига кўра, билимдон амалдорлар синфи кўпроқ бўлиши ва улар айнан ҳукуматнинг асосий таянчи бўлмоғи керак, деб таъкидлайди.

Тусийнинг фалсафий қарашларида муҳим ўрин эгаллаган масалалардан яна бири бу давлат бошқаруви масаласи бўлиб, унда давлат бошлиғига тегишли бўлган моддий манбалардан қандай қилиб тўғридан-тўғри даромад олиш кераклиги масалари ҳам таҳлил этилган. Унинг фикрига кўра, моддий манбалар икки тоифага ажратилган бўлиб, шулардан бири шахсан ҳукмдорга тегишли бўлган шахсий мулки (хосса), иккинчиси давлат фаровонлиги учун бағишланган ресурслар (мол-и масалиҳ- ва подшоҳ)дан иборатдир.

Тусий жамиятда инсонларни ҳокимиятнинг энг муҳим пойдевориغا бириктиради. Бошқача қилиб айтганда, у ҳокимиятнинг изчиллиги инсонларга асосланиши, халқнинг ҳукумат билан ўзаро розилиги даражаси қанчалик баланд бўлса, давлатнинг ички ва ташқи муаммоларини ҳал қилиш шунчалик осонлашади, яъни давлатнинг сиёсий раҳбарлигидаги муваффақияти бевосита унинг самарадорлиги ва жўшқинлигига



боғлиқлиги, халқ розилигини юқори даражасига эришиш натижасида давлат (ҳукумат) кучли бўлишга эришилишини таъкидлайди.

Давлатни бошқариш, Тусийнинг фикрига кўра, ижтимоий жараёнларни тартибга солиш ва турли этник гуруҳларга нисбатан адолатни қўллаб-қувватлашга асосланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ўрнини эгаллаши керак. Шу билан бирга файласуф адолат қонунлари ва шартларини қуйидагича тушунтиришга ҳаракат қилади:

- 1) савдо тенг қийматга эга бўлиши керак;
- 2) жамият ҳар бир аъзосининг мақоми қобилият ва истеъдод билан белгиланади;
- 3) жамоат маҳсулотларини жамиятнинг барча аъзолари ўртасида тақсимлашда тенгликка амал қилиш.

Алломанинг давлатни бошқаришда иқтисодий ривожлантиришга оид тавсиялари қишлоқ хўжалигини, савдо-сотикни ривожлантириш, шаҳарлар ва хунуармандчиликнинг ўсишига қаратилган эди. Унинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган эронлик олимлардан Розави Тақий унинг иқтисодий масалалари ҳақидаги қарашларига тўхталиб шундай ёзади: “Хожа Носирнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари масаласи мураккаб бўлиб, унинг баҳс мавзусига кириш жуда кўп вақтни талаб қилиш билан бирга унинг кўплаб асарларда баён қилинган ғояларини чуқур ўрганишни ҳам тақазо этади” [8].

Тусийнинг “Ахлоқи Носирий” асарининг учунчи бўлимида ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий характердаги жуда қизиқарли муаммолар таҳлил қилинган. Унинг мазмуни ўша давр Шарқ феодал давлати сиёсатига оид муаммолардан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олган:

- шаҳарларга бўлган эҳтиёжлар сабаблари тўғрисида;
- жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ шаҳарларда яшаш шароитлари тўғрисида;
- шаҳарларнинг ҳолати тўғрисида;
- давлат сиёсати ва ундаги бошқарув шакллари тўғрисида;
- давлат арбоблари сиёсати ва давлатга бўйсунуш қоидалари тўғрисида;
- жамоат ҳаётидаги садоқат ва самимиятнинг афзалликлари тўғрисида;
- жамиятда инсонларнинг юриш-туриш қоидалари тўғрисида.

Умумий фалсафий муаммолар билан бир қаторда Н.Тусий жамият ва инсонлар ҳаёти, ишлаб чиқариш каби масалалар билан ҳам шуғулланган. У ўзининг машҳур асари бўлимиш “Ахлоқи Носирий” асарида ишлаб чиқариш, хунуармандчилик ва савдо-сотикнинг ҳаётидаги ўрни, жамият мавжудлигининг асоси сифатида жамият аъзолари ўртасида ўзаро ёрдам ва бошқаларга катта эътибор қаратади. Тусий ишлаб чиқаришсиз, хунуармандчиликни ривожлантирмасдан, савдо-сотик ва ўзаро ёрдамсиз кишилиқ жамиятининг мавжуд бўлишини тасаввур қилиб бўлмайди деб ҳисоблаган [9].

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир миллатнинг бойлиги аввало унинг зиёлиларидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамини ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим” [10]. Зеро, аждодларимиз инсоният ҳаётини яхшилаш, жамиятни маънавий ва моддий ривожланиши, маърифат инсонларнинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида ўз ҳаётлари ва фаолиятини



йўналтирадилар. Н.Тусийнинг ҳам келажак авлодга қолдирган буюк мероси ўша давр Реннесанси учун бетакрор илм-фан гавҳари бўлган десак адашмаган бўламиз. Бугун бу илмий меросни тадқиқ этиш олдимизга турган долзарб вазифалардандир.

Фойдалианилган адабиётлар:

1. Людвиг Заде Выдающийся Азербайджанский учёный изменивший мир своей теорией и научным открытием <https://knp.uz/ru/85269013>
2. А.К.Рзаев Туси, Д.Ташкулов Дониш (Из истории политических и правовых мысли), Москва. “Юридическая литература”, 1990. с. 18.
3. Чингиз Каджар. Выдающиеся сыны древнего и средневекового Азербайджана. Издательство “Азербайджан” Баку-1995. с.90
4. Фарид Алекберли Насриддин Туси. История жизни. “Elm” History’s Heritage Website. 2006, 11 июнь
5. Рзаев А. К. Насириддин Туси. Политико–правовые воззрения – Баку: Элм, 1983. с.187.
6. <https://mv-vatanparvar.uz/kr/2036/>
7. Гамзабекова С. Г. Трактат о финансах Насир ад –Дина ат –Туси в изложении известного востоковеда Владимира Минорского. ИСТОРИЧНИ НАУКИ, Выпуск 107, с.142.
8. Розави Таги. Жизнь и творчество Туси. - Тегеран, 1955, С.184.
9. С.Исломов Экономическая система восточного феодализма и её отражения в трудах таджикских мыслителей Душанбе, 2000, С.92
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 1 октябрь 2020 йил, № 207 (7709).

ЁШЛАР МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ОРГАН ВА МУАССАСАЛАР ТИЗИМИ

Рахматова Меҳриноз Мажитовна, тадқиқотчи
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мазкур мақолада ёшларнинг Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини барпо этишдаги роли таҳлил этилади. Бунда ёшларнинг имкониятларини ривожлантирувчи марказлар жумладан, ёшлар тадбиркорлиги масалалари билан шуғулланувчи Ўзбекистон Ёшлар ишлари Агентлиги, “Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази”нинг фаолияти муҳокама этилади. “Эл-юрт умиди” жамгармаси, Республика ёш олимлар ассоциацияси, Ёш ижодкорлар уюшмаси каби ташкилотларнинг фаолиятида ёшлар маънавиятининг аҳамияти ёритилган.

Таянч сўзлар: демократлаштириш, фуқаролик жамияти, ташаббус, қурултой, нодавлат ношароит ташкилотлари, жамгарма, ассоциация, уюшма, агентлик, наشريётини уйи.

СИСТЕМА ОРГАНОВ И УЧРЕЖДЕНИЙ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ ВОСПИТАНИЕМ ДУХОВНОГО ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИ

Рахматова Меҳриноз Мажитовна, научный сотрудник
Бухарский государственный университет



КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

**ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ
CHEMICAL SCIENCES**

16	Soda tarixiga nazar Mavlonova N.X	78
17	Astragalus stenocystis o'simligining farmakologik tahlili Sulaymonov Sh.A, Abdullayev Y.I, Mamajanov G. O , Azimov A.A	84
18	Получения хлората натрия на основе гипохлорита натрия из цеха каустической соды Умиров Ф.Э, Номозова Г. Р	88
19	Айрим синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва уларни модификациялашнинг амалий аҳамияти Асқаров И.Р, Акбарова М.М	93
20	Гранулированный простой суперфосфат путем двухстадийной обработки фосфоритовой муки. Отабоев Х. А, Шеркузиев Д. Ш, Бадалова О.А, Намазов Ш.С, Раджабов Р, Сейтназаров А.Р	98
21	Water adsorbation in illita made on the basis of local raw materials Doliev G'.A., Abdulxaev A.B., Juraev B.S., Abdullaev.K.T.....	104
22	Information files for chemistry didactic testing Atoev E.Kh, Gafurova G.A	108
23	Эпоксиуритан асосида олеогеллар олиш ва уни хусусиятларини ўрганиш Хусанова М. Ф, Қиёмов Ш.Н Бекназаров Х. С, Джалилов А.Т	112
24	Физико-химические аспекты получения и применения полимерной композиции для шлихтования хлопчатобумажной пряжи Исматова Р. А, Амонова М. М , Равшанов, К.А, Амонов М. Р	118
25	Кротон альдегиди асосида ацетилен спирти ва унинг аминоэфирлари синтези Содиқов М. Қ, Тургунов Э, Хўжаназарова С.Р	124

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES**

26	Контроль уровня сахара в крови оральными средствами. Адамчук Д*, Кузиев М.С	130
27	Тошкентда дарахт ва буталар ширалари (homoptera, aphidinea) нинг тарқалиш кўрсаткичлари бўйича гурухланиши Мансурходжаева М. У, Ғаниева З.А, Холдоров Т.М., Эргашев А. В	135
28	Онтогенез <i>hordeum bulbosum</i> l. в условиях Узбекистана Махмудов В	141
29	Реакция древесных пород к техногенному загрязнению окружающей среды Ёдгорова Дилфуза Шавкатовна.....	148



30	Artishok (<i>cynara scolymus l.</i>) ning ontogenez davridagi marfo-biologik, kimyoviy ko‘rsatgichlariga biopreparatlarning ta’siri Sobirova M. B	152
31	Сабзаот-полиз агроценозлари ризофагларининг экологик-фаунистик тавсифи Зокиров И. И, Юсупова Ш.Х, Ёқубов А.А, Зокирова Г.М	161
32	Редкоземельные элементы в луговых сазовых почвах Юлдашев Г, Рахимов А	167
33	Yurak kasalliklarida alkogolning salbiy ta’siri Po‘latova Z.A, G‘anijonov H. I	172

05.00.00
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

34	O‘simlik moylarini tozalashda mahalliy adsorbentlardan foydalanish texnologiyasi Qanoatov X.M, Yunusov A. M, Aliyeva G. S, Abdivahobov S.S	176
35	Тақсимланган тескари алоқали лазер диодларнинг ишончлилигини баҳолаш Исаев Р.И, Тургунов Б.А, Орифжонова Д.В	181

07.00.00
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

36	Зиёрат одоби масалалари бўйича топографик манба Жўраева Н. О	186
37	To the pages of the history of ancient Marakanda Tishabaeva L	193

08.00.00
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
ECONOMIC SCIENCES

38	Зарубежный опыт налогового стимулирования инновационной деятельности Бахриддинов Н.З	196
----	--	-----

09.00.00
ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

39	Оилаларнинг тарбия жабҳаларидаги умумий ва хусусий тамойиллари Мадумаров Т.Т, Ғулумжонов О.Р	199
40	Насириддин Тусийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Абдуллаева Ф.Ш	205
41	Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришда иштирок этувчи орган ва муассасалар тизими	



	Рахматова М.М	210
42	Шарқ романтизмнинг фалсафий шеърляти- жалолиддин румий ижодида Ўроқова О. Ж	215
43	Шах экологик маданияти шаклланишида маънавий мерос намуналарининг ўрни ва ахамияти Зойиров Э. Х, Ғулломов А.Б	220
44	Жадидчилик фалсафасида миллий истиқлол масалаларининг кўтарилиши Тағоева Д.Н	224
45	Замонавий эстетика муаммолари таснифи Арзиматова И. М, Мўминов Ж.М	230
46	Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшлар ва ёш авлод тарбиясидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш ҳамда уни олдини олиш давр талаби Норбўтаев И.М	233
47	Ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришда ворисийлик муҳим омили сифатида Исроилов Б.Э	236
49	Экологик тарбия - олам тарбияси Худайназаров С.Х	242
50	Оилавий тадбиркорликда шахс интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ривожлантириш аҳамияти Ғаниев Б.С., Ғаниев А.Б.	247
51	Интернетнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида самарали ривожланиш омиллари Аллаяров О.Э., Хамидов А.М.	254

10.00.00

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

52	Ўзбек ва Корейс тилларида флора гуруҳидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий таҳлили Жо Мин Ёнг	260
53	Гап бўлаклари гапнинг коструктив бўлаги сифатида Усмонова Х.Ш	272
54	Рамз ва аллегориянинг ўзаро муносабати Шарипова Д.Ш	274
55	Исторические формирование узбекской орфографии Тўрахўжаева А.Х, Абдуганиева Ш.Б	279
56	Analysis of medieval masterpieces Nematillayev A	283
57	Cho'lon asarlarida obrazlilik Fayzullayeva O.X, Jalilova Sh. D	285
58	Farida Afro'z asarlarida dialektizmlar ekspressivlik ifodalovchi vosita sifatida Xusanova M.A	289



59	Америка адабиётида Фолкнер ижодининг ўрни Жумаева Н	294
60	Tilshunoslikda iboralar, maqollar, idiomaning farqlari va o'xshashliklari Xatamova Z. G, ' Oripova K.E	299
61	Mark Tvenning "Tom Soyer sarguzashtlari" asarida ijtimoiy hayot tasvirlanishini Nematova N.A	302
62	Романтизмда табиат (Жейн Остин асарлари мисолида) Мусаева Д.Т	307
63	Expression of emotions by modal means Muxammadieva N	311
64	Градуонимик қатор ҳосил қилиш тамойиллари Отабоева М.Р	317
65	Realization of conceptual information within the language units <i>force, power, strength</i> in the english language Ismatova N.M	322
66	Ўзбек драматик асарларидаги айрим мурожаат шакллари лингвокултурологик хусусиятларига доир Искандарова Ш.М, Икромова Г.А	327
67	Yetuk adabiyotshunos olim O'ljaboyev U, Yuldosheva U	331
68	Тил ва маданият тушунчаларига илмий ёндашув Убайдуллаев Ш.Н, Баходиров А	336
69	Хилватий ижодида ахлоқий-таълимий шеърлар ва уларнинг жанр хусусиятлари Болтабоева О.Ю	339
70	Тилшуносликда гапнинг прагматик мазмуни ва унинг контекстда ўзгариши Холматова В.Н	345
71	Инглиз тилида парентетез бирликларнинг бадиий матндаги структур- семантик хусусиятлари Ибрагимова Г.М	351
72	"Она" концепти доирасидаги тушунчалар талқини Ибрагимова М.И, Иргашева Н.Д	354
73	Синекдоха асосидаги иборалар Қўчқарова О.А	359
74	Жек Лондоннинг «мартин иден» романида бадиий психологизм Қобилова Н.С	363
75	Ўзбек насрида Амир Темур образининг бадиий ифодаси хусусида Ғаниев М.А	368
76	О синтаксической основе изучения морфологии языка Саидова М.Ш	373
77	Инглиз ва ўзбек тилларида перифразаларнинг таснифи Кобилова А.Б	378



78	Замонавий инглиз оммавий ахборот воситаларида эвфемизмларнинг функционал аспекти хусусида Рабиева М. Ғ	383
79	Nonverbal communication: classification of gestures and their gender analyses Rakhmatulleyeva U.Kh	387
80	Маснавий – воқеабанд шеър учун асос сифатида Раҳмонова Ш.М	391
81	The concept of nature in modern american literature Khayrulloeva N.N	396
82	Концепт» тушунчаси замонавий тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида Султонкулов О.Ж	400
83	Ўзбек тилидаги лексик лакуналарни диалектизмлар билан тўлдириш (Деҳқончилик лексикаси мисолида) Ҳасанов А.М	407
84	Алишер навоий талқинида тасаввуф тариқи Худайбердиев А.А	412

13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES**

85	Офицер кадрларни тайёрлашда буюк аждодларимиз ҳарбий санъатининг аҳамияти Бурханов Т.М.	417
86	Абу Наср Ал-Фаробий, Абу Али Ибн-Сино, Сафиуддин Ал-Урмавий ва Абдурахмон Жомийларнинг илмий – назарий қарашлари. Маҳамматов А, Абдурахимов А, Холбеков .М	422
87	Moliya-iqtisod yo'nalishi talabalarining gapirish va o'qish ko'nikmalari takomillashtirishda ta'lim innovatsiyalarining roli Yo'ldoshova. U.B	429
88	Texnika oliy o'quv yurtlari talabalarining muhandislikga yo'naltirilgan kasbiy-muhandislik kompetentligini shallantirish ҲАМИТОВ Ф.М	434
89	Ta'lim jarayonida interaktiv usuldan foydalanish va phet elektron resursi haqida Karimova S.T	439
90	Fizika o'qitishda venn diagrammasidan foydalanish va uning samaradorligini baholash. Mislidinov B.Z, Muminov A.L	444
91	The role of ict in teaching english Nurdinova F. K	449
92	The importance of motivation in second language learning Hasanova U.O	455
93	"The importance of modern innovative technologies and their use in improving the	



	quality of independent education"	
	Raimjanova N. I	459
94	Advantages of teaching in a virtual information environment and the role of the teacher	
	Mamadjanova S.V, Djurayev I.I	463
95	Ratsional balanslashtirilgan ovqatlanishning biokimyoviy asoslari.	
	Mirzayev S., Turg'unov A . Xamidov Sh.	468
96	Boshlang'ich sinf matematika darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish	
	Abdulxayev A	472
97	Миллий ва замонавий тенденциялар асосида амалий санъатни ривожланишида риштон кулолчилик мактабининг ўрни	
	Абдуллаев А.Х	476
98	Solidworks дастури ёрдамида “материаллар қаршилиги” фанидан амалий масалаларни ечиш технологияси	
	Асраев З.Р	481
99	Об актуальности патриотического воспитания	
	Джуманазарова З	487
100	Essential strategies for teaching english language learners	
	Diyorova M. Sh	492
101	Uzluksiz ta'lim tizimida umumiy fizika kursining “elektromagnetizm” bo'limini o'qitish holati va muammolari tahlili	
	Azzamova N. B	495
102	Замонавий таълим самарадорлигини таъминлашда ўқув автономиясини жорий қилишнинг аҳамияти	
	Сиддиқов И. Б	501
103	Мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккур ва нутқини ўстиришда мумтоз адабиёт намуналарининг ўрни	
	Исабаева А.Ю	505
104	Chet tillarni o'qitishda madaniyat va kommunikativ kompetensiya	
	Isanova Z.Sh	511
105	Oila va oliy ta'lim muassasalari hamkorligida talabalarning hushyorlik va ogohlik fazilatlarini rivojlantirishning ijtimoiy pedagogik jihatlari	
	Mavlonov B.B	516
106	Бобораҳим Машраб Таржимаи ҳолини ўргатишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш	
	Абдуллаев К.А	522
107	Тасвирий санъатда портрет жанрининг ўрни ва аҳамияти	
	Бабаджанов А.Х, Жумабоев Н.П	529
108	Ўрта махсус таълим тизимида “хуқуқшунослик” фанини ўқитишга янгича ёндашув.	
	Омарова Г.С	534
109	Эшитишида нуқсонли бўлган болаларнинг эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича коррекцион педагогик иш мазмуни	



	Хайитов Л.Р, Туйчиева Р.Н	539
110	XVI асрнинг биринчи ярмида бухоро хонлигида илм-фан ва маданиятнинг педагогик шарт-шароитлари	
	Нусратов А.Н	544
111	Олий таълим муассасаларида талабаларни кредит-модул тизимида ўқитишнинг назарий асослари	
	Жалолова П.М	549
112	Электронные средства обучения и теоретико-методологические аспекты их внедрения в образовательный процесс	
	Умиров И.И	553
113	Кўриш имконияти чекланган талабаларни олий таълимда ўқитиш муаммолари	
	Шодиев О.Н	558
114	Boshlang'ich sinf "o'qish" darslarida o'quvchilarni kreativ fikrlashga yo'naltirish metodlari	
	Akbarova O.M.	563
115	Олий таълимда талабаларни ўқитишнинг муаммоли шакли ва унинг ўқув жараёнига жорий этишнинг назарий-методик жиҳатлари	
	Нуруллаев У.А	568
116	Нутқий актлар назарияси: лисонда инсон омили	
	Нажмеддинов А.Р.	572
117	Университет раҳбари фаолияти самарадорлигини баҳолаш: хорижий тажриба	
	Исмоилов Т.И	579